

1643/4372 – عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: بعث النبي صلى الله عليه وسلم حيلاً قبل نجدي، ف جاءت بِرَجُلٍ مِنْ بَنِي حَنْيَةَ يَقُولُ لَهُ ثَمَامَةُ بْنُ أَنَّا، فَرَبَطُوهُ بِسَارِيَةٍ مِنْ سَوَارِي الْمَسْجِدِ، فَخَرَجَ إِلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: مَا عِنْدَكَ يَا ثَمَامَةُ؟» فَقَالَ: عِنِّي خَيْرٌ يَا مُحَمَّدُ، إِنْ تَقْتُلُنِي تَقْتُلُنِي ذَا دَمِ، وَإِنْ تَشْعِمْ شَعْمَ عَلَى شَاكِرٍ، وَإِنْ كُنْتَ تُرِيدُ الْمَالَ فَسَلِّمْ مِنْهُ مَا شِئْتَ، حَتَّىٰ كَانَ الْعَدُّ، ثُمَّ قَالَ لَهُ: مَا عِنْدَكَ يَا ثَمَامَةُ؟ قَالَ: مَا قُلْتُ لَكَ: إِنْ شَعْمَ شَعْمَ عَلَى شَاكِرٍ، فَتَكُونُ حَتَّىٰ كَانَ بَعْدَ الْعَدِ، فَقَالَ: مَا عِنْدَكَ يَا ثَمَامَةُ؟» فَقَالَ: عِنِّي مَا قُلْتُ لَكَ، فَقَالَ: أَطْلِفُوكُمْ ثَمَامَةً. فَانْطَلَقَ إِلَى نَحْلٍ قَرِيبٍ مِنَ الْمَسْجِدِ، فَاغْتَسَلَ ثُمَّ دَخَلَ الْمَسْجِدَ، فَقَالَ: أَشْهُدُ أَنَّ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَشْهُدُ أَنَّ مُحَمَّداً رَسُولَ اللَّهِ، يَا مُحَمَّدُ، وَاللَّهُ مَا كَانَ عَلَى الْأَرْضِ وَجْهٌ أَبْعَضَ إِلَيَّ مِنْ وَجْهِكَ، فَقَدْ أَصْبَحَ وَجْهُكَ أَحَبَّ الْوُجُوهِ إِلَيَّ، وَاللَّهُ مَا كَانَ مِنْ دِينٍ أَبْعَضَ إِلَيَّ مِنْ دِينِكَ، فَأَصْبَحَ دِينُكَ أَحَبَّ الدِّينِ إِلَيَّ. وَاللَّهُ مَا كَانَ مِنْ بَلْدِ أَبْعَضُ إِلَيَّ مِنْ بَلْدِكَ، فَأَصْبَحَ بَلْدُكَ أَحَبَّ الْبِلَادِ إِلَيَّ، وَإِنَّ حَيْلَكَ أَحَدَتْنِي وَأَنَا أُرِيدُ الْعُمْرَةَ، فَمَاذَا تَرِي؟ فَبَشَّرَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَمْرَهُ أَنْ يَعْتَمِرَ، قَلَمَّا قَدِيمَ مَكَّةَ قَالَ لَهُ قَائِلٌ: صَبَوتَ؟ قَالَ: لَا، وَلَكِنْ أَسْلَمْتُ مَعَ مُحَمَّدٍ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَا وَاللَّهُ، لَا يَأْتِيْكُمْ مِنَ الْيَمَامَةِ حَبَّةٌ حِنْطَةٌ حَتَّىٰ يَأْدَنَ فِيهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

1643.4372. Абу Хурайра розияллоҳу анҳу айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Нажд тарафга бир гуруҳ отлиқларни юбордилар. Улар Бану Ҳанифадан Сумома ибн Усол деган кишини олиб келишди. Уни масжид устунларидан бирига боғлаб қўйишиди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига чиқиб: «Эй Сумома, сенда нима гап?» дедилар. Сумома: «Эй Муҳаммад, менда яхшилик. Ўлдирсанг, хуни(ни сўрайдигани) борни ўлдирасан, (озодлик) инъом этсанг, шукрпешага инъом қилган бўласан. Мол-дунё истасанг, ундан хоҳлаганингча сўра», деди.

Эртаси куни у зот унга яна: «Эй Сумома, сенда нима гап?» дедилар. Сумома: «Ўша айтганим, (озодлик) инъом этсанг, шукрпешага инъом қилган бўласан», деди. У зот уни қўйиб қўйдилар, ниҳоят индинига: «Эй Сумома, сенда нима гап?» дедилар. У: «Ўша ўзингга айтганим», деди. У зот: «Сумомани қўйиб юборинглар», дедилар. У масжид яқинидаги хурмозорга йўл олди. Ғусл қилди. Кейин масжидга кириб, «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир. Эй Муҳаммад, Аллоҳга қасамки, ер юзида менга сизнинг юзингиздан ёқимсиз юз йўқ эди, энди эса сизнинг юзингиз мен учун энг суюкли юз бўлиб қолди. Аллоҳга қасамки, менга сизнинг юртингиздан ёқимсиз юрт йўқ эди, энди сизнинг юртингиз мен учун энг севимли юрт бўлиб қолди. Отлиқларингиз мени ушлаб олди. Мен умра қилмоқчи эдим. Нима дейсиз?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга хушхабар бердилар ва уни умра қилишга буюрдилар.

У Маккага келгач, кимдир: «Динингни ўзгартирдингми?» деди. У: «Йўқ! Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшилиб мусулмон бўлдим. Йўқ! Аллоҳга қасамки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам изн бермагунча сизларга Ямомадан бир дона ҳам буғдой дони келмайди», деди».

Манба: hadis.islom.uz

